O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 29 апрель, № 82 (3881) Шанба

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича 3-жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди.

КИКБОКСИНГ ҚИРОЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Тошкент нуфузли мусобақалар ўтадиган марказга айланиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Пойтахтимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари, меҳмонхоналар, сервис хизматининг яхши ташкил этилганлиги бунга замин яратмоқда. Эсингизда бўлса, ўтган йили пойтахтимизда кикбоксинг бўйича Осиё очиқ чемпионати зўр муваффақият билан ташкиллаштирилганди. Ана шуни ҳисобга олиб, Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси — WFK раҳбарияти жаҳон чемпионатини ҳам айнан Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топди. Чемпионатни ўтказишга эса ўн битта давлат даъвогарлик қилганди. Қолаверса, юртимиз спортчиларининг кикбоксинг бўйича халқаро спорт майдонларида қўлга киритган ютуқлари ҳам мақтовга арзирли. Шу спорт тури бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони Олмос Юсуфов, Маматқул Тўхтамишев, Алишер Абдуллаев, Дилноза Арзиматовалар бугун юртимиз фахрига айланган.



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Шарқ якка курашлари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган жаҳон чемпионатида дунёнинг қиррқка яқин давлатидан келган 700 нафарга яқин кикбоксинг юлдузлари ғолиблик учун баҳс олиб борадилар.

Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар Ўзбекистонда Юртбошимиз томонидан спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлаб, мусобақа иштирокчиларига омад тиладилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Жаҳон чемпионати

Олий Мажлис Сенатида

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида «Хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунларнинг ҳавола қилувчи нормалари ва идоравий норма ижодкорлигини такомиллаштириш муаммолари» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси Б. Иминов бошқарди.

Хусусий тадбиркорлик ва қонунчилик

Тадбирда давлатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида айнан хусусий секторда ислоҳотларни чуқурлаштириш лозимлиги, келгуси йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида хусусий сектор улушини 45 фоизга чиқариш лозимлигини устувор вазифа этиб белгилаган эди.

Бу борада ўтган йили Президентимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ишига ортиқча аралашувларни қисқартириш, ҳисобот топшириш тизими ва давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш бўйича 14 та Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши учун жуда катта имкониятлар яратилди.

Анжуманда бугунги кунда хусусий тадбиркорлик соҳасида айрим камчилик ва муаммолар мавжудлиги ҳам қайд этиб ўтилди. Хусусан, хусусий тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган кўплаб ҳавола қилувчи нормалар бўлиб, уларнинг баъзилари бир-бирига зид келаётир. Шу боис қонунларнинг тўғридан-тўғри ишлашини таъминлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Конференцияда Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вакилларининг маърузалари тингланди. Ушбу чиқишлар ва конференция иштирокчилари билдирган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунларнинг ҳавола қилувчи нормаларини камайтириш ва идоравий норма ижодкорлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкентда немис тили ўқитувчиларининг анъанавий V конференцияси ўз ишини бошлади.

Немис тили ўқитувчилари конференцияси

Мазкур анжуман Германиянинг Хорижда мактаб таълими масалалари бўйича марказий бошқармаси (ZfA), Германия Академик алмашувлар хизмати ахборот маркази (DAAD), Гёте институти ва Ўзбекистон Немис тили ўқитувчилари уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Германия Федератив Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирилган бу тадбирда немис тилида сўзлашувчи қатор мамлакатлар ҳамда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари мутахассислари иштирок этмоқда.

Уч кун давомида анжуман доирасида турли хил мавзуларда семинарлар ўтказилади. Унда қатнашчилар олий ўқув юртлари ва мактабларда немис тилини ўргатиш бўйича тажриба алмашадилар ва тил ўргатишдаги услублардан фойдаланиш юзасидан фикр алмашадилар.

Тадбир очилишида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Германия, Австрия, ва Швейцария мамлакатлари элчилари дипломатия ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди.

Баҳриддин АСЛАНОВ.
«Жаҳон» АА.

«БАҲОР КАМАЛАГИ» ЖИЛОЛАРИ

Пойтахтимизда 28 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси якунланди.

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон, Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон делегациялари раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг Тошкент учрашуви самарали ўтганини алоҳида таъкидладилар.

Томонлар ШҲТ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама маданий ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган режани, Экспертлар ишчи гуруҳининг ШҲТ мамлакатлари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган иш режасини, 2006 йил июнда Хитойда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг иккинчи санъат фестивали тўғрисидаги низомни тасдиқладилар.

ШҲТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг "Баҳор камалаги" мавзуидаги ранг-тасвир ва амалий санъат кўргазмаси очилди. Бу маросимда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Е.Ертисбаев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазирининг ўринбосари М.Сяоси, Қирғизистон Республикаси маданият вазири С.Раев, Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Д.Амунц, Тожикистон Республикаси маданият вазири Р.Амиров ҳамда ШҲТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

"Баҳор камалаги" Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ШҲТ билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат тасвирий ва амалий санъат намуналари алоҳида экспозицияларда намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг Ўзбекистон бўлимида етук рассомлар ва ёш ижодкорларнинг асарлари намойиш қилинмоқда. Афсона ва ривоятлар, замонавий саҳна кўринишлари ва безакли композициялар, анъана ва услубий изланишлар замонавий ўзбек тасвирий санъатига хос жиҳатлардир. Улар халқимиз тарихий ва маданий меросининг муҳим қисми ҳисобланган амалий-безак санъати намуналарида ҳам ўз ифодасини топган.

Россия экспозициясида замонавий рус қуроқчи усталарининг асарлари намойиш этилаётган бўлса, қадимий Хитой маданияти шинавандалари Фуцзянь вилояти ранг-тасвир санъати вакиллари асарлари билан танишиш имконига эга бўладилар.

Кўргазмадан жой олган тожик рассомларининг ишларида эса турли тасвирий усуллар орқали ҳозирги замон кишисининг мураккаб дунёқарашини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қозоғистон экспозициясидаги заргарлик, каштачилик, кўнчилик буюмлари, шунингдек, кигиздан ишланган композициялар миллий анъаналар давомийлигидан далолат беради. Қирғизистон вакиллари ўтган асрнинг иккинчи ярмига оид расмлар, кигиз, чарм ва дуҳобага ишланган анъанавий каштачилик намуналарини намойиш этмоқда.

"Баҳор камалаги" кўргазмаси ШҲТ мамлакатларининг ўзига хос санъат байрамига айланди. Таъкидламоқ керакки, "Баҳор камалаги" Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида ўтказилаётган ягона кўргазма эмас. Бир неча кун бурун Ўзбекистон Байналмилал маданият марказида "Ҳушманзара Хитой" мавзуидаги фотокўргазма ҳам очилган эди. Унда хитойлик фотоусталарнинг ўз юртининг бугунги куни ва тарихидан ҳикоя қилувчи ўнлаб асарлари намойиш этилмоқда.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Тошкент Давлат санъат институти фаолияти билан ҳам танишдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Истиқлолимизнинг 15 йиллигига

ҚАЛБГА МУҲРЛАНГАН СЎЗЛАР

Хизмат сафари билан яқинда Москвада бўлдим. Шаҳар кўчаларини тўлдириб юрган Япония, Германия, АҚШда ишлаб чиқарилган машиналар қаторида ўзимизнинг «Нексия» ва «Матиз»ларни ҳам кўриб, чин дилдан фахрландим. Чунки давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган чуқур маъноли сўзларининг яна бир амалий тасдиғини кўриб турардим...

Президентимизнинг бу каби қалбга муҳрланиб қолган сўзлари ўзини шу муқаддас юрт фарзанди деб биладиган ҳар бир инсонни эзгулик ва бунёдкорликка чорлайди. Ва улар доимо халқимиз, юртдошларимиз қалбида акс-садо беради.

Шу маънода, Йўлбошчимизнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" деган сўзлари ҳам оғир дамларда бошимизни тик кўтариб юришда руҳий мадад бўлди, барчамизга инсоний ғурур бахш этди. Андижонда содир этилган қонли воқеалар муносабати билан айтилган бўлса-да, бу калом замирида жуда теран маъно мужассам. Чунки ҳеч кимга қарам бўлишни истамаган халқ ҳар томонлама мустақилликка эришиши — сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ҳамда, яна бир муҳим жиҳат, маънавий масалаларда ҳам бировга тобе бўлмаслиги керак. Кейинги ўн беш йил давомида Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар айнан ана шу мақсадга қаратилган десак, асло хато бўлмайди.

Тарихдан маълумки, жамият ҳаётини ўзгартириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бир тизимдан иккинчисига ўтиш ҳеч қачон осон кечмаган. Собиқ шўро ҳудудида пайдо бўлган ёш мустақил давлатлар оёққа туриб олгунча ҳукм сурган беқарор вазият, бошбошдоқлик, иқтисодий бўҳрон, мафкуравий бўшлиқ, рўй берган турли миллий-этник можаролар бунга мисол бўла олади.

Ана шундай қалтис вазиятда Ўзбекистонда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш жараёни бошланди. Ислоҳотларни амалга оширишнинг машҳур беш тамойили ишлаб чиқилди. Унда давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, халқни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш каби асосий йўналишлар белгилаб берилди. Айниқса, Президентимизнинг «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун» деган даъвати одамлар қалбида эртанги кунга, тинч ва фаровон ҳаётга ишонч туйғуларини уйғотди.

Эрта туриб, эзгу ниятлар қиладиган ва енг шимариб астойдил ишга киришадиган одамларга доимо омад кулиб боқар эмиш...

Ўзлигини англаган, озодлик нафасини туйган, фақат ўз кучига таянадиган халқимизнинг белни маҳкам боғлаб қилган меҳнати туфайли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида салмоқли қадамлар қўйила бошлади. Мамлакатимиз тез орада ғалла, нефть, электр энергияси соҳаларида тўла мустақиликка эришди. Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Тошкент трактор заводи, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватларининг бир маромда ишлаши таъминланди. Улар сафига янги замонавий иншоотлар, тўқимачилик мажмуалари, қўшма корхоналар, тадбиркорлик субъектлари қўшилди.

Пойтахтимиз Тошкентда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсда қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонимизнинг сиёсий истиқлолини иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси** "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, харид қилиш ва етказиб беришдаги муаммолар" мавзуида конференция уюштирди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, қуйи палата депутатлари, мутасадди вазирликлар, ташкилотлар, идоралар ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш борасида эътиборга

(Давоми 2-бетда).

Бу йил халқимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигини кенг тантана қилади. Айни кунларда бутун мамлакат бўйлаб бу қутлуғ санага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

«УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!»

Андижонда республика китоб байрами

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳам бу борада бир қанча тадбирларни амалга оширишни режалаштирган. Ана шундай тадбирлардан бири куни-кеча Андижон вилоятида бўлиб ўтди. Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли боғда «Улуғимсан, Ватаним!» шиори остида ўтган республика китоб сайли, вилоят кутубхонасида ташкил этилган «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» мустақиллик даври китоблари кўргазмаси ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Байрам тадбирлари доирасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом номли, Чўлпон номли нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Маънавият», «Янги аср авлоди» нашриётлари томонидан сўнгги йилларда чиқарилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ва бошқа мавзулардаги энг сара асарлар намойиш қилинди.

Байрамнинг тантанали қисмида вилоят ҳокимининг ўринбосари Шавкат Иброҳимов, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б. Алимов сўзга чиқиб, мана шундай китоб кўргазмалари, китоб мутолаа қилиш маданияти, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари ҳақида фикр билдиришди.

Пойтахтлик ноширлар ва бошқа китоб байрами қатнашчилари вилоят кутубхонасида мустақиллик йилларида чоп этилган китоблардан иборат Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» мавзусидаги кўргазманинг очилишида қатнашиб, кўпгина китобхонлар билан мулоқотда бўлдилар.

Шундан сўнг меҳмонлар Андижон шаҳридаги 2-«Меҳрибонлик уйи» кутубхонасига ўқув дарсликлари, бадиий адабиётлар ва болалар китобларини тақдим этдилар.

Байрам қатнашчилари бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчилари Муҳаммад Али, Тоҳир Малик, таниқли шоир, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Минҳожиддин Мирзо, андижонлик шоирлар Қамчибек Кенжа, Хуршида ва бошқа ижодкорлар, ношир ва журналистлар Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида, Андижон педагогика касб-ҳунар коллежида ҳамда шаҳардаги Фаробий номли маҳаллада бўлиб, қизғин учрашувлар ўтказдилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

(Давоми. Боши 1-бетда).

лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишда ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, харид қилиш ва етказиб беришда ҳали ечимини топмаётган муаммолар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқега эгалиги таъминланмаган. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини молиялаштириш тизими эса талабга жавоб бермайди.

* * *

Қуйи палата **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси**нинг навбатдаги семинари суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларига бағишланди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари судларда жиноий ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш, дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш жараёни устидан суд назоратини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчиликнинг алоҳида нормаларини такомиллаштириш, жиноий ишларни кўриб чиқишда халқ маслаҳатчилари иштирокини таъминлаш каби масалалар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Шунингдек, семинарда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш ҳамда судларнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш юзасидан қўйилган вазифаларнинг ижросига асосий эътибор қаратилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси**нинг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларининг Тошкент шаҳридаги ижроси масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда реклама ва ташқи безаклардаги, пешлавҳалардаги ёзувларда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонун талабларига риоя қилиниши масаласи долзарблиги, ушбу соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир иштирокчилари кўчаларда, бинолар ва иншоотларда, савдо объектларида жойлаштирилган пешлавҳалар, реклама ва безаклардаги ёзувларда имловий, услубий қоидаларга риоя қилиниши, уларни ёзиш ва жойлаштиришдаги мутаносиблик ҳолатларига атрофлича баҳо беришди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда ЕИКнинг ЕвропЭйд дастури доирасидаги "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш"** лойиҳаси ҳамкорлигида "Меҳнатни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари ва мавжуд халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда мазкур муаммоларни ечиш йўллари" мавзуида амалий семинар ташкил этилди. У Меҳнатни муҳофаза қилиш халқаро кунига бағишланди.

Семинарда фуқаролар меҳнатини муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда инсон иш фаолияти хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Сўнгра иштирокчилар ЕИ давлатларидаги меҳнат муҳофазасига доир амалиёт билан танишдилар.

Зиёда АШУРОВА.

Истиқлолимизнинг 15 йиллигига

ҚАЛБГА МУҲРЛАНГАН СЎЗЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гапни автомобилдан бошлаган эдик...

Эсимда, илгари шаҳарда биронта чет эл автоси пайдо бўлиб қолса, ҳамма унга мўъжизага боқандек, ҳайрат билан тикилар эди. Бугун эса улардан қолишмайдиган замонавий автомобилларни ўзимизда ишлаб чиқаряпмиз.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Асакада мустақилликнинг дастлабки йилларида Корея Республикаси билан ҳамкорликда автомобиль заводи қурилди. Мана, ўн йилдирки, Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очган замонавий ва йирик иншоот — "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Марказий Осиё минтақасида ягона, илғор технология ва машинаускуналар, ноёб техника билан жиҳозланган ушбу заводни, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, саноатимизни олға етаклайдиган дарға — улкан кемага қиёслаш мумкин.

Бугунги кунда корхона конвейерларидан чиқаётган ўзбек автомобилларининг янги авлоди — "Нексия", "Матиз", "Дамас" ва "Ласетти" енгил машиналари ўзининг сифати, нархи, қулайлиги ва бежиримлиги билан нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлардаги харидорларга ҳам манзур бўлмоқда.

Буни Асака заводи маҳсулотлари икки-уч йилдан буён Россия бозорларида етакчи ўринни эгаллаб келаётгани, ўтган йили Россияда 48 минг 623 та ўзбек автомобили сотилгани, бу борадаги кўрсаткич 37 фоизга ортгани ҳам тасдиқлаб турибди.

"ЎзДЭУавто" ва унга маҳаллийлаштириш дастури асосида бутловчи қисмлар етказиб берадиган бир неча завод ва корхоналарнинг ишга тушиши туфайли юртимизнинг аҳоли энг зич яшайдиган ҳудуди — Фарғона водийсида минглаб иш ўринлари очилди. Энг муҳими, заводда маҳаллий ёшлардан иборат, мураккаб вазифа ва муаммоларни ҳал этишга қодир, чуқур технологик жараёнлардан яхши хабардор ва замонавий компьютерларни бошқара оладиган, катта билим ва малакага эга бўлган меҳнат жамоаси шаклланди. Бу қўшма корхона Ўзбекистоннинг катта салоҳият ва беқиёс имкониятлар мамлакати эканини, эл- юртимизнинг юксак интеллектуал даражаси ва қудрати ҳеч кимникидан кам эмаслигини амалда намоён этди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қай бир бурчагига, шаҳар ёки қишлоғига борманг, юртдошларимизнинг ўз уйим, маҳаллам, қишлоғим, шаҳрим — бутун диёримни обод ва фаровон қилишга ҳисса қўшаман, деган ниятни дилга жо этиб, сидқидилдан меҳнат қилаётганига, уларнинг қалбу шуурида шу тупроқ, шу муқаддас замин — ўзимизники, мен учун Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, унинг бугуни ва эртаси, аввало, менга боғлиқ, деган ҳис-туйғулар билан яшаётганига гувоҳ бўласиз.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасдан, саноат тараққиётини, аҳоли таъминотини, юрт фаровонлигини тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам эски тузум даврида «арзон хомашё» макони бўлиб келган Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидаёқ қишлоқ хўжалиги истиқболи хусусий мулкчиликни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда белгиланди.

Биз америкалик, канадалик фермерлар ҳақида ўқиб, уларни кинофильмларда кўриб, илим савияси кенглиги, ўз ишини пухта билишига ҳавасимиз келарди. Улар енгил машинани ҳам, тракторни ҳам бемалол бошқариб кетаверар эди. Бизда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида янги ҳаракат — фермерликка асос солинди. Ер билан тиллашиб келаётган миришкор деҳқон бугун том маънодаги ер эгаси бўлиши учун барча шароит яратилмоқда.

Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида яшовчи Алижон Аҳмедов ана шундай фермерлардан. У ўн йил илгари фермерлик фаолиятини чорвачиликдан бошлаган эди. Эндиликда унинг 239 гектар ери бўлиб, фермер хўжалигида 151 киши иш билан банд. Бугунги кунда улар пахтачилик, ғаллачилик билан ҳам шуғулланади.

Ҳамиша изланишда бўлган фермер АҚШ, Исроил, Туркия ва Болгария давлатларига бориб, бизда қўллаш мумкин бўлган янгиликларни ўрганиб келди. Аниқ бизнес-режалар асосида банклар билан молиявий ҳамкорликни йўлга қўйди. Дастлабки олган кредитини қорамоллар зотини яхшилашга, техникасини бутлашга сарфлади. Латвиядан зотдор қорамоллар сотиб олди. Бугун у раҳбар бўлган "Оқ-сув" фермер хўжалигининг кичик корхонасида ўнлаб турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Марҳаматлик фермер Тожимирза Нуриев бошчилик қилаётган кўп тармоқли "Шуҳрат" фермер хўжалиги 234 гектар экин майдонига эга.

Тиниб-тинчимас фермер қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳасида иштирок этиб, Жаҳон банки танловида ғолиб чиқди. Бир миллион икки юз эллик минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада маблағнинг бир қисми эвазига ўнлаб замонавий техника воситалари сотиб олди, муқобил МТП тузди. Ўзига ўхшаган фермерлар ва шахсий томорқа эгаларига 110 миллион сўмлик хизмат кўрсатди.

Ёки Сирдарё вилояти Сардоба туманилик тадбиркор З.Норбоева фаолиятидан олинган қуйидаги мисолга эътибор қаратайлик. Туман солиқ инспекцияси ходимлари арзимаган миқдордаги пул назорат-касса машинаси орқали кирим қилинмагани, бир харидорга чек берилмаганини баҳона қилиб, унга катта миқдорда — бир миллион сўм жарима солибди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир Президент сиёсатини яхши англаб етган бу синглимиз бўш келмай, вилоят хўжалик судига мурожаат этиб, ҳақлигини исботлаб берибди. Нотўғри қўлланилган молиявий жазо бекор қилинибди.

Ҳа, фермер хўжалиги деганда, фақатгина дала тушуниладиган, фермер деганда содда деҳқон кўз олдимизда гавдаланадиган замонлар ўтиб кетди. Бугун фермер нафақат уста деҳқон, балки ҳуқуқий саводхон, ишбилармонликда ҳам ҳеч кимдан қолишмайдиган тадбиркорга айланмоқда.

Юртимизда халқимизнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, "Ислоҳотларнинг моҳияти — инсон манфаатларини таъминлашдан иборат" деган қарашда ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллларини кўпайтириш тўғрисидаги қарорлари бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш учун йўл очиб берди.

Маълумки, қишлоқда турмушни чорвасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хусусан, соғин сигир қишлоқ хонадонлари учун қут-барака, тўкин-сочинлик манбаидир. Қолаверса, янги соғилган сут ичиб улғайган ўғлонларнинг илиги тўқ, билаги бақувват бўлади, деган гап бор.

— Мен уй бекасиман, — дейди Андижон вилояти Избоскан тумани, Оқолтин қишлоғида яшовчи Ибодатхон Қўзиева. — Қарийб ўн йилдан бери мол боқаман. Ҳозир битта сигир, иккита бузоғимиз бор. Қишлоғимизда бундай оилалар кўп. Бизни ем-хашак муаммоси қийнар эди. Юртбошимизнинг қарорида жойларда ем сотиш бўйича алоҳида савдо шохобчалари очиш кўзда тутилгани айни муддао бўлди. Ем қидириб, овора бўлиб юришга ҳожат қолмади. Янаям қувонарлиси, энди мендек уй бекалари учун меҳнат дафтарчалари очилар экан, ёшимиз етганида пенсияга ҳам чиқар эканмиз. Бундай эътибор учун ҳукуматимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Айни вақтда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратилмоқда.

Нима учун кейинги йилларда касаначилик, хонадонларда чорва молларини кўпайтиришга жиддий аҳамият қаратилмоқда? Бу, биринчидан, ишсизлик муаммосини ҳал этиш имконини бераётир. Иккинчидан эса, оилалар бюджетига — рўзғорга қўшимча даромад кирмоқда. Учинчидан эса, уйда бола-чақасидан, хонадон юмушларидан ажралмаган ҳолда, ушбу меҳнат турлари билан шуғулланадиган опа-сингилларимиз, ҳунармандлар ва бошқа турли касб эгаларининг ижтимоий таъминоти йўлга қўйилмоқда.

Маълумки, ҳар бир мамлакат, айниқса, ёш мустақил давлатлар жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилади. Бундан Ўзбекистон ҳам мустаснo эмас.

Халқаро масалаларда ўз қатъий позициясига эгалиги, мустақил ташқи сиёсат олиб бораётгани боис, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда Россия, Корея Республикаси каби шерикларимиз билан муносабатларимиз янги, юқори босқичга кўтарилди.

Ўзбекистоннинг бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро тузилмаларда ҳам ўз ўрни ва нуфузи бор. Хусусан, мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши минтақада йирик лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, янги конларни очиш ва ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакатимизда етиштириладиган пахта, чорва, қоракўл, полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари учун янги, улкан бозорлар очилади.

Бугунги кунда тенглик асосида йўлга қўйилган халқаро муносабатларда "Биз учун, аввало, Ўзбекистон манфаати, Ўзбекистон манфаати, яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир" деган нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда иш юритилмоқда. Бу ёндашув, бу сўзлар ўз Ватанини севадиган, эл-юрт ташвиши билан ҳар бир инсоннинг ҳаётий позицияси, дунёқараши билан ҳамоҳанг эмасми?

Инсон нафақат жисмоний кучи, балки қатъий эътиқоди, юксак маънавияти билан ҳам қудратлидир.

Маънавият эса буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз асосида шаклланади ва бойиб боради. Бу борада мустақиллик йилларида амалга оширилган бемисл ишлар, Амир Темур, Бобур каби буюк зотлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг тиклангани, Имом Бухорий, Мотурудий, Баҳоуддин Нақшбанд каби ўнлаб азиз-авлиёларимизнинг эътибор ва қадр топгани, зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг обод этилгани хусусида такрор айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Фақат бу масалага икки хил муносабатни яққол кўрсатиб берган бир мисолни келтириб ўтишни жоиз, деб биламан.

Ўтган йили Андижонда рўй берган мудҳиш воқеалар Бобур номидаги театр биносини ҳам четлаб ўтмади. Мазкур маърифат ўчоғи инсонийлик қиёфасини йўқотган террорчилар томонидан ёқиб юборилди.

— Ўша куни Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом ҳикояси асосида саҳналаштирилган "Талвиршоҳ салтанатининг ҳангомалари" спектаклининг премьераси бўлиши керак эди, — деб эслайди театр директори, "Меҳнат шуҳрати" ордени совриндори Жавлон Тошхўжаев. — Спектакль премьераси учун ҳамма нарса тайёр эди. Лекин...

Бугунги кунда меъмору усталарнинг меҳнати билан театр биноси қайта тикланмоқда. Тез орада унинг калити санъаткорларга тантанали равишда топширилади.

«Карвон бехатар бўлмас» деганларидек, мустақил тараққиёт йилларида қабиҳ мақсадли қора кучлар томонидан Тошкент, Бухоро, Андижон воқеалари каби, бир неча бор юртимизга қарши террорчилик хуружлари уюштирилди. Аммо бу ёвуз ниятли кимсалар ўз мақсадларига етолмади, етолмайди ҳам. Оқ-қорани таниган, имон-эътиқоди мустаҳкам, ориятли юртдошларимиз ҳамиша, ҳатто оғир дамларда ҳам ўзи туғилиб ўсган, аждодлари хоки-поки ётган мана шу заминга содиқ эканликларини намоён этиб келмоқдалар. Чунки Президентимиз ибораси билан айтганда, "Тарихий илдизлари бақувват халқни йўлдан оғдириб бўлмайди".

Бу ҳақиқатни мустақил Ўзбекистонимизнинг янги тарихи исботлаб турибди.

Ватанимиз истиқлолининг қутлуғ ўн беш йиллик санаси яқинлашиб келаётган ҳозирги кунларда мамлакатимиз босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўлга яна бир бор назар ташлашимиз, унинг пасту баландини, бу йўлда халқимиз, миллатимиз қўлга киритган ютуқ ва марраларни, дуч келган синовларни хаёл кўзгусидан ўтказишимиз табиий. Ва бу жараёнда, қувончли ва ташвишли дамларда Президентимиз Ислом Каримовнинг юқоридаги каби одамнинг юраги-юрагига етиб борадиган теран маъноли, ҳаётбахш сўзлари биз учун куч-қудрат манбаи, маънавий мадад бўлмоқда. Бугун аҳоли ўртасида олиб борилаётган маърифий-маънавий ҳамда тарғибот ишларида улар дастуриламал вазифасини бажармоқда.

Аҳмад ХЎЖА (ЎзА).

«Ҳуқуқ ва бурч»

Янги нашрлар

Маълумки, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда юридик журналлар мавқеини кучайтириш мақсадида 2005 йил 18 октябрда «Ўзбекистон Республикаси юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорни имзолаганди. Мазкур Қарорга мувофиқ, юридик журналларнинг вазифалари қамрови кенгайтирилди. «Қонун ҳимоясида» ва «Ҳаёт ва қонун» журналлари негизида «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали ташкил этилди.

Кеча Адлия вазирлигининг мажлислар залида мазкур нашрнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олган муассис идоралар — Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, мамлакатимизда чоп этилаётган даврий нашрлар раҳбарлари, талабалар мустақиллик шароитида ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш учун янги имкониятлар яратилаётганини таъкидлашди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов адолатли демократик жамият қуриш йўлида матбуот, маданиятнинг энг мақбул шаклларидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида сўз юритди.

Тақдимот маросимида намойиш этилган «Ҳуқуқ ва бурч» журналининг илк сонида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Э. Халилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор А. Орипов, адлия вазири Б. Мустафоев, Бош прокурор Р. Қодиров, Олий хўжалик суд раиси А. Ишметов, Олий суди раиси вазифасини бажарувчи Н. Тошматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳаммедов ва бошқаларнинг мақолалари жой олган. Маросим қатнашчилари янги нашрга оқ йўл тилаб, унинг мазмун-мундарижаси ва шаклу шамойилини янада халққа яқинлаштириш, мақолаларини фуқаролар эҳтиёжига монанд тайёрлаш таклифларини билдирдилар.

Маълумки, мамлакатимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтади. Айни пайтда жойларда ушбу сиёсий тадбирга қизғин тайёргарлик кетмоқда. Табиийки, янги сайлов илгаригиларидан фарқ қилади. Шу туфайли бу тадбир хусусида фуқароларда қатор саволлар пайдо бўлмоқда. Уларнинг бир қисми таҳририятимизга ҳам келиб тушмоқда.

Шуларни инобатга олиб, биз сайлов тўғрисидаги амалдаги қонунчилик бўйича тушаётган саволларга аниқлик киритиш мақсадида Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Ихтиёр БЕКОВга мурожаат қилдик:

ОҚСОҚОЛЛАР САЙЛОВИ:

БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

САВОЛ: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қандай иштирок этади?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

САВОЛ: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши» тушунчаси нимани англатади?

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

САВОЛ: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи кимларга тегишли?

ЖАВОБ: Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар.

Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

САВОЛ: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятларини қайси принциплар асосида амалга оширади?

ЖАВОБ: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятларини қуйидаги асосий принциплар асосида амалга оширади:

ошкоралик;

ижтимоий адолат;

инсонпарварлик;

маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик;

жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

САВОЛ: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирадими?

ЖАВОБ: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонуний ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

САВОЛ: Фуқаролар йиғини кенгаши нима ва унинг таркибига кимлар киради?

ЖАВОБ: Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади.

САВОЛ: Фуқаролар йиғини кенгашининг иш тартиби қандай?

ЖАВОБ: Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан, заруратга қараб, лекин ойида камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

САВОЛ: Фуқаролар йиғинининг тафтиш ва маъмурий комиссиялари нима мақсадда тузилади?

ЖАВОБ: Тафтиш комиссияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади.

Маъмурий комиссия маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасидаги ишларни кўриб чиқиш учун тузилади.

Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдордир.

САВОЛ: "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун қачон қабул қилинган ва унинг аҳамияти нимада?

ЖАВОБ: Ушбу қонун 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган бўлиб, у илк бора бевосита ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларни тартибга солувчи махсус ҳужжат ҳисобланади. Мазкур қонун қабул қилингунига қадар ушбу масалалар ҳар икки ярим йилда Олий Мажлис қабул қилган қарорлар ва намунавий Низом билан тартибга солиниб келинган эди.

Ушбу қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек, унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

САВОЛ: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қайсилар?

ЖАВОБ: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (105-модда), 14.04.1999 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги »Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (20-модда), шунингдек, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар киради.

Маҳалланинг янги жамоли

Шу кунларда ҳамма жойда бўлгани каби, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига қизғин тайёргарлик давом этмоқда.

Туманнинг Гулистон маҳалласи бу сайлов арафасида ажойиб қулайликлар яратилган гузарга эга бўлди. Олтинтепа маҳалласи фаоллари оқсоқол Баҳодир Ҳакимов, маслаҳатчи Фарида Азимова, маҳалла хотин-қизлар сардори Мукамбар Абдуқодирова ҳамда котиба Ҳафиза Жалолова галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашишяпти.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

вакант ўринларга конкурс эълон қилади

Конкурсга ёши 25-35 орасида бўлган, олий гуманитар маълумотга эга, Шарқ ёки Ғарб тилларидан бирини мукаммал билган мутахассислар қабул қилинади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

5200 дона "А" менингит зардоби, 5200 дона ACYW-135 менингит зардоби, 5200 дона грипп зардоби харид қилишга танлов эълон қилади.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Таклифлар 2006 йил 31 майгача қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700002, Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, «Зарқайнар» кўчаси, 103-уй. Мулоқот учун телефон 393-23-97, 160-39-33.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана — 2006 йил 29 апрель.
Қарз № — 1903-UZB.
Шартнома № — C21, Хива А, Хоразм вилоятида 5 та СТИ (сув тақсимлаш иншооти)ни қуриш ва қайта таъмирлаш.

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) дан қарз маблағи олинган ва ушбу қарз маблағининг бир қисми **«C21, Хива А, 5 СТИ ни қуриш ва қайта таъмирлаш»** шартномаси бўйича тегишли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Танлов савдоси ОТБга аъзо давлатларнинг тендер савдосида иштирок этишни хоҳловчи компаниялари учун очиқдир.

2. ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи («буюртмачи») савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни Хоразм вилоятининг Хива ва Қўшкўпир туманларида 3 та СТИни қайта таъмирлаш, сув қувурини ва тармоқларни қуриш ҳамда Хива туманида 2 та СТИни, сув қувури ва тармоқларни («объект») қуриш бўйича ўз таклифларини муҳрланган ва елимланган ҳолда тақдим этишга таклиф этади.

3. Савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, қизиқиш билдирган иштирокчилар буюртмачининг қуйида кўрсатилган манзилида қўшимча маълумотлар олишлари, танлов ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва сотиб олишлари мумкин:
   Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 96-уй,
   ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Гуруҳ раҳбари — Нурметов Б.К.
   Телефон: (362) 226-52-26. Факс: (362) 226-08-36.
   Электрон почта: piukhorezm@mail.ru

4. Танлов ҳужжатларининг рус ва инглиз тилидаги нусхаси буюртмачи номига ёзма равишдаги ариза ҳамда 120 000 сўм ҳажмидаги қайтарилмайдиган тўлов ўтказилганидан сўнг берилади. Маблағлар пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўланиши лозим:
   Банк номи — ДАТБ «Асака» Хоразм филиали, Урганч шаҳри, МФО 00581.
   Ҳисоб рақами номи — АБР лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Ҳисоб рақами 2021 0000 9042 9031 0002, ИНН 204699689.

   Танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини юқорида кўрсатилган суммани буюртмачининг ҳисоб рақамига ўтказганларидан сўнг олишлари мумкин.

5. Барча танлов таклифлари шартнома қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миллий валюта ёки унинг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган миқдорида, банк кафолати билан бирга буюртмачининг манзилига 2006 йил 29 июнь соат 16.00 га қадар тақдим этилиши лозим. Кеч олиб келинган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Таклифлар қатнашчиларнинг вакиллари иштирокида топшириш муддати тугаган заҳоти очилади.

2549-1Н/806

INVITATION FOR BIDS

Date: April 29, 2006
Loan №: 1903-UZB
Contract №: C21, "Khiva A", Construction and rehabilitation of 5 WDCs (Water Distribution Center) in Khorezm province

1. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Western Uzbekistan Rural Water Supply Project and it intends to apply part of the proceeds of this loan to eligible payments under the contract **C21, "Khiva A", Construction and rehabilitation of 5 WDC**. Bidding is open to all bidders from eligible source countries of the ADB.

2. The ADB Project Implementation Unit for Khorezm province ("the Employer") invites sealed bids from eligible bidders for the rehabilitation of 3 WDCs, construction of trunk main and networks in Khiva and Kushkupir districts, construction of 2 WDCs, trunk main and networks in Khiva district of Khorezm province ("the Works").

3. Interested eligible Bidders may obtain further information from, inspect and acquire the bidding documents, at the office of the Employer, at:
   Nurmetov B.K., Head of ADB Project Implementation Unit (PIU)
   for Khorezm province
   96, A. Kodiriy St., Urgench city,
   Republic of Uzbekistan
   E-mail: piukhorezm@mail.ru
   Tel.: (362) 2265226. Fax: (362) 2260836.

4. A complete set of bidding documents in Russian and English languages may be purchased by interested eligible bidders on the submission of a written application to the above office, upon payment of a nonrefundable fee of UZS 120 000 by the method of bank transfer.
   Bank: SJSCB "Asaka", Khorezm Branch, Urgench city
   MFO: 00581
   Acct name: ADB PIU for Khorezm province
   Acct No: 2021 0000 9042 9031 0002
   TIN: 204699689

   Complete set of bidding documents will be available to the bidders only after receiving the exact amount above in Employer's account.

5. All bids must be accompanied by a security of equivalent to not less than two percent of the estimated contract price in Uzbek Soums or equivalent in US dollars and must be delivered to above mentioned address, at or before 4:00 p.m. on June 29, 2006. Late bids will be rejected. Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address above.

2549-2Н/806

ТАНЛОВ САВДОСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана — 2006 йил 29 апрель.
Қарз № — 1903-UZB.
Шартнома № — C22, Қўшкўпир А, Хоразм вилоятида 4 СТИ (сув тақсимлаш иншооти)ни қуриш ва қайта таъмирлаш.

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) дан қарз маблағи олинган ва ушбу қарз маблағининг бир қисми **«C22, Қўшкўпир А, 4 СТИни қуриш ва қайта таъмирлаш»** шартномаси бўйича тегишли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Танлов савдоси ОТБга аъзо давлатларнинг тендер савдосида иштирок этишни хоҳловчи компаниялари учун очиқдир.

2. ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи («буюртмачи») савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида 4 СТИни қайта таъмирлаш, сув қувурини ҳамда тармоқларни («объект») қуриш бўйича ўз таклифларини муҳрланган ва елимланган ҳолда тақдим этишга таклиф этади.

3. Савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, қизиқиш билдирган иштирокчилар буюртмачининг қуйида кўрсатилган манзилида қўшимча маълумотлар олишлари, танлов ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва сотиб олишлари мумкин:
   Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 96-уй,
   ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Гуруҳ раҳбари — Нурметов Б.К.
   Телефон: (362) 226-52-26. Факс: (362) 226-08-36.
   Электрон почта: piukhorezm@mail.ru

4. Танлов ҳужжатларининг рус ва инглиз тилидаги нусхаси буюртмачи номига ёзма равишдаги ариза ҳамда 120 000 сўм ҳажмидаги қайтарилмайдиган тўлов ўтказилганидан сўнг берилади. Маблағлар пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўланиши лозим:
   Банк номи — ДАТБ «Асака» Хоразм филиали, Урганч шаҳри, МФО 00581.
   Ҳисоб рақами номи — АБР лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Ҳисоб рақами 2021 0000 9042 9031 0002, ИНН 204699689.

   Танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини юқорида кўрсатилган аниқ суммани буюртмачининг ҳисоб рақамига ўтказганларидан сўнг олишлари мумкин.

5. Барча танлов таклифлари шартнома қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миллий валюта ёки унинг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган миқдорида, банк кафолати билан бирга буюртмачининг манзилига 2006 йил 29 июнь соат 16.00 га қадар тақдим этилиши лозим. Кеч олиб келинган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Таклифлар қатнашчиларнинг вакиллари иштирокида топшириш муддати тугаган заҳоти очилади.

2550-1R/806

INVITATION FOR BIDS

Date: April 29, 2006
Loan №: 1903-UZB
Contract №: C22, Kushkupir A, Construction and rehabilitation of 4 WDC (Water Distribution Center) in Khorezm province

1. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Western Uzbekistan Rural Water Supply Project and it intends to apply part of the proceeds of this loan to eligible payments under the contract **C22, Kushkupir A, Construction and rehabilitation of 4 WDC**. Bidding is open to all bidders from eligible source countries of the ADB.

2. The ADB Project Implementation Unit for Khorezm province ("the Employer") invites sealed bids from eligible bidders for the rehabilitation of 4 WDC and construction of trunk main and networks in Kushkupir district of Khorezm province ("the Works").

3. Interested eligible Bidders may obtain further information from, inspect and acquire the bidding documents, at the office of the Employer, at:
   Nurmetov B.K., Head of ADB Project Implementation Unit (PIU)
   for Khorezm province
   96, A. Kodiriy St., Urgench city, Republic of Uzbekistan
   E-mail: piukhorezm@mail.ru
   Tel.: (362) 2265226.
   Fax: (362) 2260836.

4. A complete set of bidding documents in Russian and English languages may be purchased by interested eligible bidders on the submission of a written application to the above office, upon payment of a nonrefundable fee of UZS 120 000 by the method of bank transfer.
   Bank: SJSCB "Asaka", Khorezm Branch, Urgench city
   MFO: 00581
   Acct name: ADB PIU for Khorezm province
   Acct No: 2021 0000 9042 9031 0002
   TIN: 204699689

   Complete set of bidding documents will be available to the bidders only after receiving the exact amount above in Employer's account.

5. All bids must be accompanied by a security of equivalent to not less than two percent of the estimated contract price in Uzbek Soums or equivalent in US dollars and must be delivered to above mentioned address, at or before 4:00 p.m. on June 29, 2006. Late bids will be rejected. Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address above.

2550-2R/806

ТАНЛОВ САВДОСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана — 2006 йил 29 апрель.
Қарз № — 1903-UZB.
Шартнома № — C23, Хива В ва Янгиариқ, Хоразм вилоятида 6 СТИ (сув тақсимлаш иншооти)ни қуриш ва қайта таъмирлаш

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) дан қарз маблағи олинган ва ушбу қарз маблағининг бир қисми **«C23, Хива В ва Янгиариқ, 6 СТИни қуриш ва қайта таъмирлаш»** шартномаси бўйича тегишли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Танлов савдоси ОТБга аъзо давлатларнинг тендер савдосида иштирок этишни хоҳловчи компаниялари учун очиқдир.

2. ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи («буюртмачи») савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни Хоразм вилоятининг Хива ва Янгиариқ туманларида 5 СТИни қайта таъмирлаш, сув қувурини ҳамда тармоқларни қуриш, Хива туманида 1 СТИ, сув қувури ва тармоқларни («объект») қуриш бўйича ўз таклифларини муҳрланган ва елимланган ҳолда тақдим этишга таклиф этади.

3. Савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, қизиқиш билдирган иштирокчилар буюртмачининг қуйида кўрсатилган манзилида қўшимча маълумотлар олишлари, танлов ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва сотиб олишлари мумкин:
   Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 96-уй,
   ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Гуруҳ раҳбари — Нурметов Б.К.
   Телефон: (362) 226-52-26. Факс: (362) 226-08-36.
   Электрон почта: piukhorezm@mail.ru

4. Танлов ҳужжатларининг рус ва инглиз тилидаги нусхаси буюртмачи номига ёзма равишдаги ариза ҳамда 120 000 сўм ҳажмидаги қайтарилмайдиган тўлов ўтказилганидан сўнг берилади. Маблағлар пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўланиши лозим:
   Банк номи — ДАТБ «Асака», Хоразм филиали, Урганч шаҳри, МФО 00581.
   Ҳисоб рақами номи — АБР лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Ҳисоб рақами 2021 0000 9042 9031 0002, ИНН 204699689.

   Танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини юқорида кўрсатилган суммани буюртмачининг ҳисоб рақамига ўтказганларидан сўнг олишлари мумкин.

5. Барча танлов таклифлари шартнома қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миллий валюта ёки унинг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган миқдорида, банк кафолати билан бирга буюртмачининг манзилига 2006 йил 29 июнь соат 16.00 га қадар тақдим этилиши лозим. Кеч олиб келинган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Таклифлар қатнашчиларнинг вакиллари иштирокида топшириш муддати тугаган заҳоти очилади.

2551-1R/806

INVITATION FOR BIDS

Date: April 29, 2006
Loan №: 1903-UZB
Contract №: C23, Khiva B and Yangiarik, Construction and rehabilitation of 6 WDC (Water Distribution Center) in Khorezm province

1. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Western Uzbekistan Rural Water Supply Project and it intends to apply part of the proceeds of this loan to eligible payments under the contract **C23, Khiva B and Yangiarik, Construction and rehabilitation of 6 WDC.** Bidding is open to all bidders from eligible source countries of the ADB.

2. The ADB Project Implementation Unit for Khorezm province ("the Employer") invites sealed bids from eligible bidders for the rehabilitation of 5 WDC and construction of trunk main and networks in Khiva and Yangiarik districts, construction of 1 WDC and networks in Khiva district of Khorezm province ("the Works").

3. Interested eligible Bidders may obtain further information from, inspect and acquire the bidding documents, at the office of the Employer, at:
   Nurmetov B.K., Head of ADB Project Implementation Unit (PIU)
   for Khorezm province
   96, A. Kodiriy St., Urgench city, Republic of Uzbekistan
   E-mail: piukhorezm@mail.ru
   Tel.: (362) 2265226.
   Fax: (362) 2260836.

4. A complete set of bidding documents in Russian and English languages may be purchased by interested eligible bidders on the submission of a written application to the above office, upon payment of a nonrefundable fee of UZS 120 000 by the method of bank transfer.
   Bank: SJSCB "Asaka", Khorezm Branch, Urgench city
   MFO: 00581
   Acct name: ADB PIU for Khorezm province
   Acct No: 2021 0000 9042 9031 0002
   TIN: 204699689

   Complete set of bidding documents will be available to the bidders only after receiving the exact amount above in Employer's account.

5. All bids must be accompanied by a security of equivalent to not less than two percent of the estimated contract price in Uzbek Soums or equivalent in US dollars and must be delivered to above mentioned address, at or before 4:00 p.m. on June 29, 2006. Late bids will be rejected. Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address above.

2551-2R/806

«ШАЙХЗОДА БУНДАН МУСТАСНО»

Мақсуд Шайхзода қомусий билим эгаси эди. У киши, айниқса, Шарқ мумтоз адабиёти тарихини сув қилиб ичиб юборган эдилар. Шайх ака (ул зотни суйиб шундай дердилар) билан икки оғиз суҳбатлашган одам бу донишманд шоирнинг вазмин, ёқимли товушию фасоҳатли шевасига бир умр шайдо бўлиб қоларди.

Домла Низомий номидаги Тошкент пединститутида дарс берарди. Эҳтимол, жўшқин ва илмга ташна йигит-қизларнинг жозибаси кўнглини равшан этадими ё ўзидаги маънилар хазинасини ўзгалар ила бўлишмоқдан роҳат топадими?.. Ҳарқалай, Шайх ака умрининг охиригача ўша институтда мударрислик қилдилар.

Шайх аканинг эскидан қолган бир одатлари бор эди: у киши ашаддий кашанда эди. Домла фақат "Казбек" тутатар, гўё оқиш ғубор ичра ўзи ҳам мозийда сузиб юргандек бўларди. Баъзан илҳом париси жамол кўргизиб, кўнгилга ялт этиб нурли фикр келиб қолса, зукко шоир дарҳол папирос қутисига ўша ташбеҳ ёки сатрларни дарж этиб қўярди.

Аудиторияда чекувчи мударрислар кўпайиб кетганми ёки бирон кимса Шайхзода хусусида чақимчилик қилганми, ишқилиб, институт ректори махсус буйруқ чиқарибди. Унда сабоқ бериш жараёнида чекиш қатъий тақиқланганги ва тартибни бузувчиларга қарши маъмурий чора кўрилиши айтилган эди.

Эълонлар тахтасида мазкур буйруққа кўзи тушган Шайх ака тўғри ректор ҳузурига кирибди.

— Таассуфким, бул даргоҳни тарк этмакка мажбурдирмиз, каминага ижозат берсинлар, мавлоно, — дебди ажиб озар лафзида Шайх ака.

Ректор ҳангу манг бўлиб қолибди.

— Домла, не бўлди, нима гап ўзи? — шошилибди институт раҳбари. — Сизни биров хафа қилдими?

Шайх ака жилмайиб бош чайқабди:

— Асло, мавлоно! Биз низомга бўйсунадирмиз. Ва лекин жанобларининг фармойишларини адо этмоққа ожиздирмиз. Минг йиллик кашандамиз-да, мавлоно.

Бу сафар ректор хохолаб кулиб юборибди:

— Э, домла, шундай демайсизми? Ҳалиги буйруқни биз ёш домлаларни сал тийиб қўйиш учун чиқарган эдик. Ҳозир хатони тузатамиз-да, Шайх ака.

Ректор бўлак фармойиш ёздирибди. Унда "Аудиторияда чекиш ман этилсин" деган жумладан кейин йирик ҳарфлар билан "Мақсуд Шайхзода бундан мустасно" деган илова ҳам бор эди.

Эртасидан бошлаб Шайх ака тағин аудиторияга кириб, маърузасини давом эттираверибди.

Буюклар дейдики...

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур...
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор.
***
Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай...
Қул Хожа Аҳмад, қирқдан ошдинг, нафсингни қирқ!

Аҳмад ЯССАВИЙ

Сенга йўқ нафсдек душман,
Қила олсанг, ани қил банд.
***
То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.
***
Кўп олтин-кумуш сори қўл сунмағил,
Ки тутсанг, кафтингни қаро ранг этар.

Алишер НАВОИЙ

GURUNG

Ларошфуко мулоҳазалари

Оламда эришиш мумкин бўлмаган нарсалар жуда кам. Агар бизда қатъият кўпроқ бўлганида, истаган мақсад сари элтадиган йўлни топа олардик.

***

Виждонимиз олдида ўзимизни оқлаш йўлида кўпинча мақсадга эришиш учун кучимиз етмади деб, ўзимизни ишонтирмоқчи бўламиз. Ҳолбуки, аслида биз кучсиз эмас, иродасизмиз.

***

Бирор нарсани қаттиқ хоҳлаб қолишдан аввал шу истаган нарсангизга ҳозир эгалик қилаётган одам бахтлими, йўқми эканини суриштириб кўрмоқ керак.

***

Ҳақиқий дўст бу дунёнинг энг улуғ неъматидир. Ҳолбуки, биз айни шу неъматнинг ортидан ҳар нарсадан кўра камроқ қувлаймиз.

Амир Темур ҳикматлари

Ақлли душман нодон дўстдан яхшироқ.

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Лочиннинг учарга мадори қолмаса, чумчуққа масхара бўлади.

Адоват эмас, адолат енгади.

Аввал йўлдош танла, сўнгра йўл.

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

Бир таёқни синдирмоқ мумкин,
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмас.

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

Ота бўлмаган ота қадрини билмайди.

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилади.

ЛАТИФАЛАР

Қирқ йиллик сирка

Бир куни қўшниси афандидан сўради:

— Сизда қирқ йиллик сирка бор эмиш, шу ростми?

— Рост.

— Унда ўша сиркангиздан пича беринг.

— Ие, ҳар кимга пича-пича бераверсам, сирка қолармиди?

Шу келишинг бўлса...

Афанди кўчада бир одамни аҳмоқ, деди. У одам афандининг бошига мушт ўқталиб келди:

— Ким аҳмоқ, ҳўв?!

— Шу келишинг бўлса, мен аҳмоқ, мен, — деди афанди.

Ғаройиб рўзғор

Кечаси афандининг маҳалласида ўт кетиб, одамлар нариги маҳаллага кўча бошлади. Ҳамма кўч-кўронини аравага ортиб кўчганда афанди икки кўрпа, бир шолча, икки болишни орқалаб йўлга тушди. Йўлда кимдир сўради:

— Бор юкингиз шуми, Насриддин ака? Бу қанақа рўзғор?

Афанди елкасини қисиб жавоб қилди:

— Буми? Бу — беш қиз чиқарганнинг рўзғори!

Тангри Таоло яратган баъзи жонзодларнинг хатти-ҳаракатини, топқирлигини кўриб, ақлингиз лол қолади, беихтиёр уларга ҳавас қиласиз. Сизларга айтмоқчи бўлганим бу ҳангомани Сурхондарёнинг Хонжизза деган олис тоғ қишлоғида яшовчи Авлиёқул акадан эшитган эдим.

Ғаройиб воқеа

Нажоткор бешиктерватар

— Биз томонларда уйга қулф солишмайди. Бир ёққа борадиган бўлсак, эшикни каноп ип билан бойлаб кетаверамиз, — деб ҳикоясини бошлади Авлиёқул ака. — Лекин эрта кўкламдан кеч кузгача битта деразамиз очиқ туради. Нега десангиз, Хонжиззада қалдирғоч кўп. Қалдирғоч ин қурмаган уй бехосият саналади.

Бултур бир жуфт қалдирғочга бизнинг меҳмонхона ёқиб қолибди. Улар оғизларида лой ташиб, ҳаш-паш дегунча ин қуришди, кейин макиёни тухум қўйиб, босиб ётди, хўрози оғзида егулик ташиб турди. Кўп ўтмай, уядан чирқиллаган полапонларнинг товуши эшитилиб қолди. Энди ота-онаси жўжаларни боқишга ўтди. Мен гоҳо шифтга боқиб, уларнинг учиб-қўнишини кузатиб ўтираман. Ҳар ўн-ўн беш дақиқада ё хўроз, ё макиён бирон емиш обкелади, уни уяга сиғмай чийиллаб ётган полапонларнинг оғзига солади-ю, уйни бир айланиб, тағин ташқарига отилади.

Бир куни одатдагидек ёнбошлаб ётувдим, она қалдирғочми, ота қалдирғочми пир этиб учиб кирди. Уясига бориб, болаларига емиш берди. Кейин меҳмонхонани гир айланди-ю, безовта бўлиб, тинмай чуғурлай бошлади. Қалдирғоч уйни бир айланиб келиб, ўзини деворга уради, чириллаб сайрайди, яна қаноти билан ненидир уриб туширмоқчи бўлади. Ўрнимдан турдим. Қарасам, шифтга яқин жойда бир илон осилиб турибди. У тилини чиқариб, уя сари аста судралиб боряпти. Мен ҳовлига чиқиб, узун хода олиб кирдим. Агар илон полапонларга даф қилса, урмоқчи эдим. Бу орада қалдирғоч ўқдай отилиб чиқиб кетди. Бироздан кейин ёнига беш-олти шеригини олиб қайтиб келди. Қани, улар нима қилар экан, деб қараб турдим. Қалдирғочлар меҳмонхонани бошларига кўтариб, вижирлашди. Сўнг бир қалдирғоч илоннинг рўпарасига ниманидир қўндириб қўйди. Мундоқ разм солсам, бешиктерватар экан. У илоннинг кўзларига тикилиб, нари-бери чайқалди, кейин «шап» этказиб илонга чанг солди. Назаримда, бир кўзини ўйиб олди. Илон тўлғониб чекинди. Шу пайт бешиктерватар илоннинг иккинчи кўзини чўқиди. Илон шалоплаб ерга тушди. Мен ирғиб туриб илоннинг бошини босдим, кейин оташкурак билан қисиб, ҳовлига чиқариб ташладим. Қайтиб кирганимда бешиктерватар ҳам, қалдирғочлар ҳам йўқ эди. Чамаси, она қалдирғоч болаларининг халоскорини тағин ўз манзилига олиб кетган бўлса керак-да.

Авлиёқул ака ҳикоясини тугатар экан, маъюс жилмайди:

— Биз гоҳида бировга яхшилик қилишга келганда ана шу бешиктерватарчалик ҳам бўлолмаймиз. Шуниси алам қилади одамга, меҳмон...

Танга ютган бола

Бир аёл тўрт-беш ёшлардаги ўғлини етаклаб, шаҳар сайрига чиқди. Гўзал бир хиёбонда тўхтадилар. Она фаввора ёнидаги курсига бориб ўтирди. Қўлига газета олди. Бола фаввора атрофида ўзи тенги болалар билан қувлашиб ўйнай бошлади. Бир вақт у чопқиллаб онанинг олдига келди:

— Ая, пул беринг, сув ичаман!

Она ўғлига танга берди. Бола сал наридаги дўкондан сув ичди-ю, изига қайтишда ўқчий бошлади. Она қўрқиб кетди, ирғиб ўрнидан турди.

— Нима бўлди, болам?

— Ўғлингиз танга ютиб юборди, — деди кимдир.

Она фарёд солди, одамларни ёрдамга чақирди.

Ниҳоят, бир йигит болани икки оёғидан даст кўтарди, бошини ерга қаратиб, силкита бошлади. Бола ҳиқиллаб йиғлади, ўқчиди ва ерга жаранглаб кичкина танга тушди. Она ўғлини бағрига босиб, йиғлади ва ўзича бегона йигитга миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, сизга, укажон! Умрингиздан барака топинг! Яхшиям сиз бор экансиз. Дўхтир бўлсангиз керак-а?

— Йўқ, — деди йигит, — мен... солиқ идорасида ишлайман.

КАЙРОКИ ГАПЛАР

** Калтакнинг биринчиси яхши тегади.*

** Ишонган болта оёқни чопар.*

** Игна кирадиган жойга ип ҳам киради.*

** Бошингга лойиқ қалпоқ кий.*

** Гўзал чеҳра ортида хунук қалб борлигини билиб бўлмайди.*

** Табиат энг буюк табибдир.*

** Дўсти йўқ одам — бахтсиз одам.*

** Аҳмоқликни даволайдиган дори йўқ.*

** Сўз — пичоқдан ўткир.*

Саҳифани ёзувчи Саъдулла СИЙЕВ тайёрлади.

СВОБОДА ПЕРЕДВИЖЕНИЯ – ВЕРНЫЕ РЕШЕНИЯ

Технология Intel® Centrino® Duo для мобильных ПК

HP рекомендует Microsoft® Windows® XP Professional.

HP COMPAQ nx6310 BUSINESS NOTEBOOK PC
- Технология Intel® Centrino® Duo для мобильных ПК
- Процессор Intel® Core™ Duo T2300
- Intel® PRO/Wireless 2200 BG 802.11 a/b/g
- Microsoft® Windows® XP Professional
- Оперативная память 512 МБ
- Жесткий диск 60 ГБ 5400 rpm
- Оптический привод DVD+/-RW
- Дисплей 15 XGA с разрешением 1024 x 768 (16 млн. цветов)

Бизнес в наши дни развивается стремительно и динамично. Поэтому часто приходится работать «на ходу», находясь далеко за пределами своего офиса. Пользуясь ноутбуками HP Compaq, Вы сможете принять правильное и своевременное решение, где бы Вы ни находились. Работайте продуктивнее с беспроводными технологиями HP Smart Office.

HP COMPAQ tc4200 TABLET PC
- Технология Intel® Centrino® для мобильных ПК
- Процессор Intel® Pentium® M760
- Intel® Wireless LAN 802.11b/g
- Microsoft® Windows® XP Tablet PC Edition 2005
- Оперативная память 512 МБ
- Жесткий диск 60 ГБ
- Оптический привод DVD+/-RW
- Беспроводная технология Bluetooth®



HP COMPAQ nx6110 BUSINESS NOTEBOOK PC
- Технология Intel® Centrino® для мобильных ПК
- Процессор Intel® Pentium® M750
- Intel® Pro/Wireless 2200 BG 802.b/g WLAN
- Microsoft® Windows® XP Professional
- Оперативная память 512 МБ
- Жесткий диск 60 ГБ 4200 rpm
- Оптический привод DVD+/-RW
- Дисплей 15 TFT XGA с разрешением 1024 x 768 (16 млн. цветов)

SMART ADVICE > SMART TECHNOLOGY > SMART SERVICES

Звоните сейчас, чтобы узнать больше!
Тел.: 132 26 62
www.hp.ru

hp invent

©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Все права защищены. Обозначения Celeron, Celeron Inside, Centrino, Centrino Logo, Core Inside, Intel, Intel Logo, Intel Core, Intel Inside, Intel Inside Logo, Intel SpeedStep, Intel Viiv, Itanium, Itanium Inside, Pentium, Pentium Inside, Xeon и Xeon Inside являются товарными знаками, либо зарегистрированными товарными знаками, права на которые принадлежат корпорации Intel или ее подразделениям на территории США и других стран. Microsoft и Windows являются зарегистрированными торговыми знаками корпорации Microsoft в США и/или других странах. Товар сертифицирован.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345